

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 22 октябрь, № 225 (8005)

Жума

Сайтимица ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ — ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗДИР

Президент Шавкат Мирзиёев саноат корхоналари фаолияти, ижтимоий лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 21 октябрь куни Жиззах вилоятида бўлди.

Шавкат Мирзиёев Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди.

“Жиззах” эркин иқтисодий зонасида жойлашган “ADM Jizzakh” масъулияти чекланган жамиятида автомобилларни йирик узелли йиғиш ташкил этилди. Бу лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, шу йил март ойида ишга туширилди.

Президент Шавкат Мирзиёев мазкур заводдаги иш жараёнини кўздан кечирди.

Ушбу илк лойиҳанинг қиймати 12 миллион доллардан зиёд. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 25 минг дон. Завод мультибрендли бўлиб, бу ерда “KIA”, “Renault” ва “Lada” русумидаги 10 хил энгил автомобил ирилмоқда. Бугунги кунгача ички бозорга 2 мингдан зиёд автомобиллар етказиб берилган. Бу машиналар юқори сифати, замонавий дизайни ва шинамлиги, технаморлиги, сервис хизматлари арзонлиги, бошқарув қулайлиги билан харидорларга маъқул келмоқда. Автомобилларга беш йиллик кафолат берилган. Корхонада 250 нафар мутахассис ишламоқда.

Давлатимиз раҳбарига лойиҳанинг иккинчи босқичи ҳақида маълумот берилди.

216 миллион долларлик мазкур лойиҳа доирасида кичик узелли ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Яъни 314 турдаги бутловчи қисмларни ясаш, пайвандаш, бўяш ва йиғиш йўлга қўйилади. Уни 2023 йилнинг биринчи чорагида ишга тушириш режалаштирилган.

Бунинг натижасида завод қуввати

йилига 100 минг донага чиқади. Яна 3 мингта янги иш ўрни пайдо бўлади. Ушбу босқичда маҳаллийлаштириш 30 фоизга етказилиб, йилига 150 миллион долларлик автомобиллар экспорт қилинади. Завод тайёр автомобиль ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш, конструкторлик, логистика, кадрлар тайёрлаш соҳаларини қамраб олади.

Яна бир муҳим томони, бу завод кўплаб кичик корхоналар, хизматлар ташкил топишига туртки бўлади. Масалан, ҳозирданок Жиззах шаҳри, Пахтакор ва Шароф Рашидов туманларида бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бўйича 500 миллион долларлик 60 та лойиҳа шакллантирилган. Шунингдек, Америка ва Европанинг нуфузли инжиниринг компаниялари билан бирга вилоятда тажриба-конструкторлик ва дизайнлик маркази ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари маҳаллийлаштириш даражасини ошириб, автомобиллар нарҳини арзонлаштириш, харидорларга танлов имкониятини кенгайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятининг ичимлик суви таъминотини яхшилашга қаратилган ишларнинг бориши билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги қарорига мувофиқ, бу ерда Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига ичимлик суви тизимини яхшилаш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Қиймати қарийб 580 миллион сўм бўлган ушбу лойиҳа доирасида сув олиш ва тозалаш иншоотлари, “Жиз-

зах” суви тақсимлаш узели, 183 километр магистраль тармоқлар қурилиши белгиланган.

Мутасаддилар лойиҳа доирасида бажарилган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Бугунги кунда Булунғур туманида, Зарафшон дарёси ёнида 100 минг куб метр сифимли “Узунбулок” сув тозалаш иншооти, насос станцияси, лаборатория, филтрлаш станцияси ва ёрдамчи бинолар қуриб битказилган. “Узунбулок — Гагарин” магистраль тармоғининг Жиззах шаҳригача бўлган 77 километри ёқизилган. “Жиззах” сув тақсимлаш иншооти, 5 минг куб метр сифимли иккита сув завзаси қурилган. Энди ушбу иншоотлардан Гагарин шаҳригача 90 километр сув тармоғи тортилди.

Ушбу тарихий лойиҳа натижасида Баҳмал, Фаллаорол, Шароф Рашидов, Пахтакор, Дўстлик ва Мирзақўл туманлари ҳамда Жиззах шаҳридаги 163 та маҳаллада яшовчи 700 минг аҳолига тоза ичимлик суви етиб боради.

Тадбирда Жиззахлик нурунийлар, маҳалла фаоллари, зиёлилар, ёшлар иштирок этди.

— Жиззах вилоятида ичимлик суви бўйича вазият оғир эди. Бу суви Жиззахликлар 30 йилдан ортқ кутди. Мен ҳоким бўлган пайтларда қанча ҳаракат қилганимиз. Лекин лойиҳа ҳам, пул ҳам йўқ эди. Мана, орзуларимиз ушалапти. Энди бу тизимнинг ҳар бир иншооти, ҳар бир тумандан ўтган қисмига малакали мутахассисларни бириктириб, сифатли ишлаш керак.

Ёшларни ахборот технологиялари асосида ишлайдиган бу тизим бўйича ўқитиш ҳам зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Лойиҳани 2022 йилнинг биринчи ярмида яқунлаш режалаштирилган. Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги “Голд Фиш агро” балиқчилик кластери фаолияти билан танишди.

Жиззах вилоятида 220 дан ортқ балиқчилик хўжаликлари фаолият юритмоқда. Уларда йил якуни билан жами 23 минг тонна балиқ етиштириш мўлжалланмоқда. Бу йил улар сафига “Голд Фиш агро” масъулияти чекланган жамияти ҳам қўшилди. Қиймати 30 миллион сўмлик ушбу лойиҳа увилдириқларни тайёрлашдан тортиб, балиқ етиштириш, қайта ишлаш, ем ишлаб чиқариши қамраб олган.

Кластер майдони 43 гектар бўлиб, шундан 4 гектаридан интенсификация ва яриминтенсификация усулда балиқ етиштириш йўлга қўйилган. Сунъий ҳовуларда Хитой технологияси ўрнатилган. Бу доимий сув талаб қилмайдиган, балиқ ўзидаги суви қайта айлантириб ишлайди. Ҳозир ҳар бир сунъий ҳовузда мингтагача сазан боқилмоқда. 2 гектар майдонни эгаллаган сунъий қўлларда эса яриминтенсификация усулда балиқ парваришланмоқда.

Умуман, кластер йилига 500 тонна балиқ етиштириш қувватига эга. Шу ернинг ўзида балиқчи қайта ишлаш цехи, 800 тонна сифимли замонавий музлаткичлар ҳам бор.

Давлатимиз раҳбари балиқ

етиштириш жараёнини кўздан кечирди. Бу тажрибани омдалаштириб, аҳолини ҳам жалб этиш зарурлиги таъкидланди.

— Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш деярли, ҳар бир хонадонда даромад манбаи яратишни ўйлапмиз. Мана тайёр лойиҳа. Шундай ҳовуларни етказиб бериб, тартиб-қоидадини ўрғатиб, уй шароитида балиқ боқишни кўпайтириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ишлаб чиқарувчиларни хом ашё ва айланма маблағ билан таъминлаб, сунъий ҳовуларни кўпроқ тайёрлаб ва жойларга етказиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда Жиззах вилоятида узумчиликни ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдимот қилинди.

Худуд табиати узумчилик учун жуда қулай. Бундан фойдаланиб, Баҳмал, Фаллаорол, Зомин, Шароф Рашидов, Зарбдор ва Янгибод туманларида 42 та кластер ташкил қилиниб, 50 минг гектар майдонда тоқзор ва интенсификация борлар етиштириш режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев Шароф Рашидов туманида узумчилик кластери ташкил этиб, маҳсулотни кўпайтириш, энотуризмни ривожлантириш бўйича топширилган берди. Аҳолига ҳосилдор навлар бериб, узумини сотиб олишни йўлга қўйиш орқали беш минг кишининг бандлигини таъминлаш мумкинлиги таъкидланди.

Матназар ЭЛМУРDOV, Зиядулла ЖОНИБЕКOV, Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, ЎЗА мухбирлари.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Фарзандликка олиш тартибининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 16 августда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 30 сентябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607-1-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Оила қонунининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда; № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 8, 469-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 199-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **152-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

**Биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Ҳаётга, соғлиққа қарши жиноятлар, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган жиноятлар, жинсий эркинликка, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши, шахснинг озодлигига, шаъни ва қадр-қимматига қарши (бундан туман, ҳақорат қилиш мустасно), фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши (бундан жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, муаллифлик ёки ижтимоий ҳуқуқларини бузиш мустасно), тинчликка ва инсониятнинг ҳафсизлигига қарши, Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар, ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар, жинсий йўл билан тоғилган мол-мулкни олиш ёки ўтказиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ёхуд нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, бошқарув тартибига, шунингдек одил судловга қарши жиноятлар, қийноққа солиш ва бошқа шартсиз, гайриминсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, жамоат ҳафсизлигига қарши жиноятлар (бундан учувчисиз уцадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, учувчисиз уцадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш, тадқиқот фаолиятини амалга оширишда ҳафсизлик қоидаларини бузиш, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, санитарияга оид қонунчиликни ёки эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш, тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари ҳафсизлиги қоидаларини бузиш, ёнғин ҳафсизлиги қоидаларини бузиш мустасно), гиёҳвандлик воситаларининг ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласидан иборат жиноятлар, жамоат тартибига қарши жиноятлар ва ҳарбий мансабдорлик жиноятлари содир этганлик учун илгари ҳукм қилинганлар»;

(Давоми 4-бетда.)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

21 октябрь куни Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда ҳукумат аъзолари ва идоралар раҳбарлари, Сенат ҳузуриндаги Ёшлар парламенти аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борган ялпи мажлис юқори палатанинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали жонли эфирда намойиш этилди.

Дастлаб сенаторлар мамлакатимиздаги автомобил йўллари ҳамда сунъий иншоотларнинг ҳолати ва транспорт воситаларининг ҳафсиз ҳаракатланишини таъминлашга доир қонун ҳужжатларининг ижро этилиши юзасидан Вазиirlар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижаларини кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 29 майдаги қарорига мувофиқ Вазиirlар Маҳкамасига юборилган парламент сўровига берилган жавобда кўтарилган масалалар ечимига қаратилган муайян ишлар амалга оширилган.

Хусусан, кўпирк ва йўлтуқазгичлар техник ҳолатини яхшилашга қаратилган ҳукумат қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача автомобиль йўллари ривожлантириш стра-

тегияси лойиҳаси тайёрланган. Шунингдек, тегишли ҳужжат асосида “Ўзйўл инспекция” сизга тадбиркорлик субъектлари томонидан йўл-қурилиш ишлари олиб борилаётган объектларда сифат назоратини оператив ўтказиш ҳамда содир этилаётган қондабузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва қолати берилган.

Бироқ парламент сўровида кўтарилган айрим масалалар юзасидан асосли жавоблар тақдим этилмаган.

Хусусан, Вазиirlар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги 226-сонли қарорига илова қилинган “Автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлаш ишлари таснифи”да автомобиль йўллари жорий таъмирлаш ишлари бажарилганидан сўнг унинг хизмат қилиш муддатига нисбатан талаб белгиланмагани ва бу ҳол жиддий муаммоларга сабаб бўлаётгани эътиборсиз қолдирилган.

Жавобни муҳокама қилиш жараёнида мазкур сўровда кўтарилмаган бошқа долзарб масалалар ҳам мавжудлиги аниқланди. Хусусан, автомобиль йўлларида ҳаракат ҳафсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар етарли даражада молиялаштирилмапти.

Мажлисда парламент сўровида келтирилган муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлари

Вазиirlар Маҳкамаси томонидан давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасини ривожлантириш учун кўрилатган чоралар юзасидан Вазиirlар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама этилди.

Сенаторлар парламент сўровига ҳукумат томонидан берилган жавобда муайян ишлар амалга оширилганини қайд этди.

Хусусан, қон қуйиш муассасаларида гемоконвал, қон сақлаш ва транспортровка анжомлари билан таъмирлаш учун сўнгги беш йилда 15 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Донорлар ва қон захираси ҳақидаги маълумотлар алмашинувини рақамлаштириш мақсадида қон хизмати автоматлашган ахборот тизими яратилган.

Қон компонентларини тайёрловчи асбоб-ускуналари мунтазам равишда кўриқдан ўтказиб, уларни таъмирловчи мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, мажлисда парламент сўровида кўрсатилган айрим масалалар юзасидан жавоб етарли даражада акс этмагани маълум қилинди.



## МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ГУЛТОЖИ

Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш, унинг давлат тили сифатидаги аҳамияти ва нуфузини янада мустаҳкамлаш борасида кенг қўлламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

### Шуқуқ

Президентимизнинг айём муносабати билан халқимизга байрам табригида миллий қадриятларимиз гултожи бўлган она тилимизни ривожлантиришга оид устувор вазифалар белгилаб берилгани қайд этилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакиллари ҳамда чет эл фуқароларида ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш ва эътибор ортиб бораётганини ҳисобга олиб, улар учун махсус дарслик, лугатлар,

қўлланмалар, видео ва аудиоматериаллар ҳажминини ошириш бўйича ишларни янада қўлайлаштириш, тилшунос ва лугатшунос олимларимизнинг, шoir-адибларимизнинг ушбу соҳадаги машаққатли ва шарафли меҳнатини муносиб қадрлаш, хусусан, уларнинг илмий тадқиқотлари, дарслик ва қўлланмалари, китоб ва рисолаларини давлат буюртмаси ҳисобидан нашр этиш ва кенг жамоатчиликка етказиб бериш учун алоҳида дастур ишлаб чиқиб, амалга ошириш шулар жумласидандир.



Муҳаммад АМИН (ЎА) билан сўраб.



Газетамизнинг бугунги сонидан сайловолди ташвиқоти доирасида “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Алишер Қодировнинг Сайловолди дастуридан ўрин олган кўллаб устувор йўналишларга оид мақолалар чоп этиляпти.

Мазкур мақолалар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

2-саҳифага қаранг.

Газетамизнинг бугунги сонидан сайловолди ташвиқоти доирасида “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Баҳром Абдуҳалимовнинг Сайловолди дастуридан ўрин олган кўллаб устувор йўналишларга оид мақолалар чоп этиляпти.

Мазкур мақолалар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

## ХАЛҚРО ҚУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯЛАРИ САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ҚУЗАТАДИ

Маълумки, 24 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Сайлов жараёнини кузатиш мақсадида мамлакатимизга нуфузли халқро ташкилотлар қузутовчилари миссияси ташриф буюрмоқда.

Кеча Марказий сайлов комиссияси Раиси Зайниддин Низомжўраев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Ижроия қўмитаси қузутовчи-

лари миссияси раҳбари, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев билан учрашди.



## НУРОНИЙЛАР ЧОРЛОВИ

Азиз юртдошлар!

Қадри нурунийлар!

Бугун жонажон иртимиз муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида турибди. Шунинг билан таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ-мафратларини тўлиқ рўёбга чиқариш устувор мақсад саналиб, бу борада жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлган қатор ютуқлар қўлга киритилди.

Хусусан, фуқаролик, шахсий, иқтисодий, ижтимоий, эътиқодий ҳуқуқларимиз қатори сиёсий ҳуқуқларимизни ҳам эмин-эркин амалга оширишимиз учун мустақам қонуний кафолатлар яратилди. Шу маънода, сайловлар ҳар бир фуқаронинг сиёсий ҳуқуқи ҳисобланиб, уни амалга ошириш орқали ҳар биримиз ўзимиз ва фарзандларимиз келажаги, иртимиз тараққиёти, халқимиз фарзандлиги, Ватанимиз тинчлиги ва оқибатининг таъминлаш ишларига ўз ҳиссамизни қўшиб келмоқдамиз.

Мустақиллик йилларида шаклланган миллий сайлов қонунчилигимиз халқро андозлар даражасида янада такомиллаштирилиб, 2019 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Шулардан келиб чиқиб, биз — нурунийлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган жараён арафасида барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол қатнашишга чақирамиз. Зеро, бу бизнинг нафақат конституциявий ҳуқуқимиз, балки жонажон Ўзбекистонимизнинг эртанги фаровон келажаги, жадал тараққиётига қўшадиган муносиб улусимиз ҳамдир.

Қолаверса, 24 октябрь кунги Президент сайловида бир жон, бир тан бўлиб иштирок этишимиз келажакимиз учун хотиржам эканимизни, фуқаролик бурчимизни тўғри англашимизни, ўз ҳуқуқларимиздан тўлиқ фойдаланишга бўлган истак-хоҳишимизни ҳам аниқлатади.

Бу борада, айниқса, кўпчи қўрган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳамда кўп маротаба сайловларда иштирок этиб келатган ёши улғу кексаларимиз — оқсоқол отахонлар, нуруний онахонларимиз барчага ўрнак бўлишларига ишончимиз комил.

Қадри юртдошлар!

Жорий йилнинг 24 октябрь куни бўлиб ўтажак Президент сайлови эркин ва демократик Ўзбекистон равнақининг гарови экани, юрт келажакига дахлдорлик эса ўзини шу Ватан эртасига дахлдор деб санаган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи ва масъулияти эканини барчамиз яқин англаймиз.

Шундай экан, сайлов кунини халқимизга хос бўлган буюк қадриятларимиз — бирдамлик, аҳиллик, ҳамжихатлик сингарии юксак фазилатларимизни яна бир бор намойён қилиб, бу муҳим сиёсий жараёнда ушқоқлик билан иштирок этайлик!

Ҳар биримиз ўзимиз танлаган муносиб номзодга овозимизни бериш орқали Ўзбекистон аталиши вазиятида диёримизнинг эртанги ёрқин келажакини таъминлашга ҳиссамизни қўшайлик!

ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармаси.

Ў.А.



# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ



хид тарбиялаш, юртимизда миллий маданиятни янада ривожлантириш йўлида барча бирдек масъул бўлиши лозим. Салоҳиятли мутахассис кадрлар Ўзбекистоннинг эртанги кунини, миллат келажагини белгилайди. Шу боис замон талабларига жавоб берадиган юксак маданиятли, билимдон ёшларни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиши жуда муҳимдир. Бу жараён узлуксиз миллий таълим-тарбия тизимининг барча босқичини уйғун ва мутаносиб ривожлантиришга алоҳида эътибор бериши тақозо этмоқ-

да. Бу йўлда катта ҳаётга улкан орзулар билан кириб келаётган ёшларга тобора кўпроқ имкониятлар яратиш, уларнинг олий таълимга қамровини кенгайтириш, ўқиши, маънавияти тўғри шаклланиши, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш учун зарур бўлган ишлар амалга ошириляпти.

Албатта, таълим муассасаларида дарсларни самарали ташкил этишда етук кадрлар билан бир қаторда таълимга доир меъёрий ҳужжатлар, ўқув-методик таъминотнинг ўрни ҳам бениҳоя аҳамиятлидир. Ўқитишнинг замонавий методологиясини яратиш ва амалиётга жорий этиш, ўқувчиларнинг онгли равишда касб-хунар танлаш иштиёқини кучайтириш, дарсликларни яратишга бутунлай янгича ёндашиш каби долзарб вазифалар айнан шу мақсаддан келиб чиқилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, глобаллашув жараёнининг жадаллашуви ўқув дастурларимизни қайта кўриб чиқишни, кенг билимга эга бўлган, мантиқий фикрлай оладиган ёшларни вояга етказишга хизмат қиладиган, такомиллашган меъёрий ҳужжатлар, янги педагогик технологияларни яратиши тақозо этмоқда.

Президентликка номзод Баҳром Абдуҳалимов иқтидорли олим. Миллатимизнинг, халқимизнинг ижтимоий-маънавий, сиёсий-маданий ҳаётини, келажак такомиллини яхши биладиган шахс. Шу боис ҳам мен унинг Сайловолди дастурини қўллаб-қувватлайман.

Илҳом ТЎХТАСИНОВ,  
«Адолат» СДП фаоли.

**Жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳар биримиздан янгича фикрлашни талаб қилади ва бу фалсафий тафаккурнинг узлуксиз янгиланиб бориши негизда амалга ошадиган жараён ҳисобланади.**

**Шу ўринда таъкидлаш жоизки, янгича фикрлаш дунё манзарасини онгу тафаккуримизда қайтадан кашф қилиш эмас, аксинча, билим ва идрокимиз кучи билан ўз дунёқарашимизда уни илмий-ижодий акс эттириш демакдир. Тафаккур — инсон ақл-заковати, унинг воқеа-ҳодисалар ичида адашиб кетмаслиги учун йўл кўрсатувчи машъала. Шунинг учун ҳам юртимиздаги ҳар бир инсоннинг, айниқса, ёшлар онгу тафаккурини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Тафаккурни шакллантириш орқали эса инсон ўзини англайди.**

Бугунги кунда теран ақл ва тафаккур кучи билан воқеа-ҳодисаларни баҳолай оладиган, масъулиятни чуқур ҳис этиб, лоқайдлик ва бефарқлик каби иллатларга қарши турадиган ёш авлод тарбияси ҳар қачонгидан муҳим бўлиб, ушбу йўналишда олиб борилаётган маънавий-мафкуравий, ахлоқий-тарбиявий ишларимиз ўз самарасини бермоқда.

Ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий турмуш тарзининг камолот даражаси бевосита аждодлар маданий меросини чуқур ўрганиш, фалсафий мушоҳада қилиш ва ундан ижодий фойдалана олиш қобилияти билан аниқланади.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш — яқин ва олис тарихимиз, бетакрор ва ноёб маданий бой-

ликларимизни янада чуқур ўрганиб, уларга таяниб, миллий таррақийёт йўлимизни янги босқичда давом эттиришни талаб қилади.

“Адолат” СДПдан Президентликка кўрсатилган номзоднинг Сайловолди дастури билан танишгач, бу дастурда ёшларнинг илмий салоҳиятини ошириш асосий масалалардан бири қилиб қўйилгани алоҳида эътиборимни тортди. Чунки бугун замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш ниҳоятда долзарб масалалардан биридир.

Дарҳақиқат, юртимизда дунёни янгича идрок этадиган, миллат гурури ва ҳақ-ҳуқуқи учун курашадиган, ўз тақдирини халқи, Ватани тақдирини билан бир деб биладиган янги авлод шаклланимоқда. Улар ҳам аждодлар маънавий меросини, ҳам умумбашарий қадриятларни баробар ўзлаштирмоқда. Маънавият инсоннинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий ва ру-

ҳий балоғати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир. Шу нуқтаи назардан, ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор ру-



“ Салоҳиятли мутахассис кадрлар Ўзбекистоннинг эртанги кунини, миллат келажагини белгилайди. Шу боис замон талабларига жавоб берадиган юксак маданиятли, билимдон ёшларни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиши жуда муҳимдир.”

## ЭЪТИБОРДА ЭЗГУЛИК БОР

**Китоб чоп этиш билан боғлиқ “ёқимли қийноқ”лар асло эсимдан чиқмайди. Ҳатто “Китобларим — изтиробларим” номли хотиралар ёзишни ҳам ўйлаб қоламан. Агар шундай битик дунёга келса, қуйидаги ҳикоя унинг ёруғ лавҳаларидан бири бўлади.**

Бундан беш йил олдин Соҳибқирон бобомиз таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан “Ҳазрат Соҳибқирон” ва “Соҳибқирон абадияти” китобларимнинг тўлдирилган нусхасини чоп этиш муаммоси пайдо бўлди.

Наشريётлар бундай юмушни зиммасига олиши қийин эди, юбилей нашрларига ҳам чекланган буюртма бўлган. Ёзувчилар уюшмаси масъуллари китобларимни “илмий” деб қабул қилмади (айни пайтда эса Фанлар академиясининг Тарих институти уларни “бадий” деб баҳолади) ва бундай йўналишдаги асарлар республика Фанлар академиясида жамланаётгани хабарини беришди. Шу ахборот ҳам мен учун катта топилма эди ва “оёғимни қўлга олиб”, Фанлар академиясига йўл олдим.

Иш вақти ҳам тугай деб қолган, шу боис ҳам илинж билан гўё учиб бордим. Академиянинг вице-президенти қоғозларга кўмилиб, ишлаб ўтирган

экан. Унга мақсадимни тушунтирдим ва тайёрлаб борган кўлёмзамни тутқаздим. Мени илмий давраларда кўрмаган ва танимайдиган одам шу жойда гапга нуқта қўйиши мумкин эди, аммо суҳбатдошимдаги инсонийлик уни мен билан мулоқотга ундади шекилли, кўлёмзани варақлаб кўришга вақт топди. Мен ҳаяжон билан нималарнидир ўқтирдим. Ниҳоят, “Фойдали маълумотлар бор экан” деган икорни эшитиш билан вазият менинг фойдамга ишлаётганини сездим.

Ҳақиқатан, каттагина ҳажмли кўлёмзага сарфланган меҳнат қанчалик салмоқли бўлса, уни чоп этиш ҳам шунчалик қийин эди. Умуман, шу дамда муносабат ижобий томонга ўзгара бошлади, ҳатто мен “Ўзингиз сўзбоши ёзсангиз ҳам яхши бўларди”, деб мажбуриятни яна оширдим. Шунда Баҳром Абдуҳалимов ўз нуқтаи назарини изҳор қилгандек, “Сўзбоши ёзишим учун уни батафсил ўқиб чиқишим керак”, деди. “Аммо бун-

га вақт йўқ, эртага Кореяга учиб кетяпман”, деб вазиятни изоҳлади. “Жуда яхши-да, самолётда ўқиб кетасиз”, деб баттар тикилинч қилдим. “Ўқиб кетадиган нарсаларимни кўп”, деган жавобни эшитдим. Умуман, бундай муносабат илиқлик ҳосил қилди ва менда ўчай деб турган умид шами яна қайта милтилай бошлади.

Мен уни сирдан билардим. Яқин танишларимдан бири қандайдир халқроқ анжуманда қатнашганини ва унда домла инглиз тилида нутқ сўзлаб, кўпчиликни ҳайратлантирганини айтганди. “Янги Ўзбекистонга ана шундай олимлар керак”, деганди ўша танишим. Кейинчалик олимнинг араб, форс, рус, турк, француз тилларидан ҳам яхши хабардор эканини билдим. Шунингдек, маданият тарихига доир тадиқотлари дунё илмий жамоатчилиги томонидан тан олинган экан. Албатта, бундай натижа катта интеллектуал салоҳият белгиси, эътироф этиладиган қувонарли ютуқ эди.

Хуллас, ўша суҳбат асносида Баҳром Абдуҳалимов бир қаламқашнинг аҳволини тўғри тушунган ва менга катта илтифот кўрсатган, икки жилдан иборат, қарийб минг саҳифага яқин салмоқли



“ Бундан беш йил олдин Соҳибқирон бобомиз таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан “Ҳазрат Соҳибқирон” ва “Соҳибқирон абадияти” китобларимнинг тўлдирилган нусхасини чоп этиш муаммоси пайдо бўлди. Нашриётлар бундай юмушни зиммасига олиши қийин эди, юбилей нашрларига ҳам чекланган буюртма бўлган. Ёзувчилар уюшмаси масъуллари китобларимни “илмий” деб қабул қилмади (айни пайтда эса Фанлар академиясининг Тарих институти уларни “бадий” деб баҳолади) ва бундай йўналишдаги асарлар республика Фанлар академиясида жамланаётгани хабарини беришди. Шу ахборот ҳам мен учун катта топилма эди ва “оёғимни қўлга олиб”, Фанлар академиясига йўл олдим.”

тирсангиз, ўшанда ҳурматли олим бир муаллифга қанчалик илтифот кўрсатганини тушуниш қийин эмас. Айни дамда шу саъй-ҳаракатлардан зиё истоган кўплаб қалблар баҳра олмоқда.

Атоқли олимни давлат раҳбарлигига номзодлар сафида кўрган мухлислар қалбида юртимизда илм-фан аҳли катта нуфузга эга эканлиги, улар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ниҳоятда фаол иштирок этаётганидан фахр туйғулари уйғонади.

Албатта, давлат бошқарув тизимида олимларнинг қатнашиши маърифатнинг ривожига кенг йўл очади, юртимизнинг келажақда илм-фан ва янги технологияларга асосланган замонавий давлат бўлишини таъминлайди.

Айниқса, қалби уйғок, кўнглида инсонийлик бисёр, вазиятни тўғри баҳолай оладиган, ўз вақтида ёрдам қўлини узатишга ҳозир кишиларнинг юқори давраларда бўлиши қўплаб руҳоний-маънавий имкониятларнинг юзага чиқишида муҳим роль ўйнайди.

Ҳаким САТТОРИЙ,  
ёзувчи, публицист.



**ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД БАҲРОМ АБДУҲАЛИМОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Фарзандликка олиш тартибининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1-бета).

қуйидаги мазмундаги еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошида кўрсатилган жиноятлар жумласига кирмайдиган оғир ва ўта оғир жиноятлари содир этганлик учун илгари ҳукм қилинганлар; ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи ва еттинчи хатбошиларида кўрсатилган жиноятлари содир этганлик учун ўзига нисбатан жиноят иши айбилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб тугатилганлар;

фарзандликка олишга монелик қиладиган касалликларга чалинганлар. Мазкур касалликларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Фарзандликка олинувчилар ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, бундан ўғай ота ва ўғай она ёхуд фарзандликка олинувчининг яқин қариндошлари томонидан фарзандликка олиш ҳоллари мустасно».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 2 январда қабул қилинган «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ўРҚ—364-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 1-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) 22-моддасининг биринчи қисмига қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

олтинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин: «хаёта, соғлиққа қарши жиноятлар, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган жиноятлар, жинсий эркинликка, оилага, ёшларга ва ахлоққа

қарши, шахснинг озодлигига, шаъни ва қадр-қимматига қарши (бундан тўхмат, ҳақорат қилиш мустасно), фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши (бундан жисмоний ва юридик шахсларнинг мувоҳабатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш мустасно), тинчликка ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши, Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар, ўзгаларнинг мол-мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар, жиноий йўл билан топилган мол-мулкни олиш ёки ўтказиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ёхуд нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, бошқарув тартибига, шунингдек одил судловга қарши жиноятлар, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, файриносоний ёки қадр-қиммати камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар (бундан унвучисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, унвучисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш, тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, санитарияга оид қонунчиликни ёки эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш, тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш мустасно), гиёҳвандлик воситаларининг ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласидан иборат жиноятлар, жамоат тартибига қарши жиноятлар ва ҳарбий мансабдорлик жиноятлари содир этганлик учун илгари ҳукм қилинганлар»;

қуйидаги мазмундаги еттинчи ва саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошида кўрсатилган жиноятлар жумласига кирмайдиган оғир ва ўта оғир жиноятлари содир этганлик учун илгари ҳукм қилинганлар; ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи ва еттинчи хатбошиларида кўрсатилган жиноятлари содир этганлик учун ўзига нисбатан жиноят иши айбилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб тугатилганлар»;

еттинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрозиларга етказилишини ҳамда ҳолати ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 21 октябрь № ўРҚ—723

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯЛАРИ САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИНИ КУЗАТАДИ

Мулоқотда Ўзбекистон сайлов қонунчилигидаги янгиликлар, Президент сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди. Сайлов кампанисига таъбирлари Сайлов кодекси талаблари ҳамда демократик принципларга мувофиқ амалга оширилаётгани таъкидланди. Кайд этиш жоизки, МДХ Ижроия қўмитаси халқро кузатуви ташкил қилишда катта таъриба, шунингдек, сайловларни кузатиш бўйича ривожланган ҳуқуқий базага эга. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таклифига биноан МДХ Ижроия қўмитаси кузатувчилари миссияси сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиб

боради. Миссия Ўзбекистонга ташрифи мубайнада республикамизнинг бир қатор сайлов участкаларида бўлиб, сайлов юзасидан ўзининг тегишли хулосалари ва тавсияларини беришни режалаштирган. Шунингдек, учрашувда МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби С. Лебедев сайловни демократик, эркин ва ошқора ўтказишда муваффақият тилади. Марказий сайлов комиссияси Раиси Заиниуддин Низомиёв ва ЕХХТ қисқа муддатли кузатувчиларнинг махсус координатори Рейнолд Лопатка ва ЕХХТ делегацияси раҳбари Даниела де Риддер билан учради. Учрашувда меҳмонлар сайлов

қонунчилиги, шунингдек, ушбу муҳим сиёсий жараёнга тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказиш доирасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди. Кайд этилганидек, сайлов жараёнининг барча босқичида амалга оширилган ишлар тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида маълумот бериб бориш учун МСК Матбуот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолият олиб бормоқда. Ушбу мақсадга акредитациядан ўтган 1 минг 672 нафар оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам ўз хиссасини қўшади. Асосий вазифа Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови умумэтироф этилган халқро принциплари ва ҳуқуқий нормаларга мувофиқ ўтказилишини таъминлашдан

иборат. Ушбу мақсадни амалга оширишда халқро кузатувчиларнинг сайловда иштироки муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, халқро ташкилотлар ва ҳорижий давлатларнинг турли институтларига сайловни кузатиш учун таклифномалар юборилди. Акредитациядан ўтган халқро кузатувчилар сонин 969 тани ташкил этади. Уларнинг 629 таси халқро ташкилотлардан, 340 таси ҳорижий давлатлардан. Маълумот ўрнида айтиш жоиз, ЕХХТ ПА делегацияси таркибига Франция, Чехия, Греция, Германия, Буюк Британия, Италия, Франция, Нидерландия, Эстония, Латвия ва бошқа 25 давлат парламентларининг 120 га яқин вакиллари киради.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси таклифига биноан юртимизга келган Ҳиндистон Сайлов комиссияси раиси Сушил Чандра бошчилигидаги делегация билан ҳам худди шу форматда учрашув бўлиб ўтди. Унда меҳмон Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижаларни ижобий баҳолади. Шунингдек, Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси ва Ҳиндистон Сайлов комиссияси ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш масалаларига ҳам тўхталиди. Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

МДХ ДОИРАСИДА ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИНИ ЎРГАНИШ, ҚИДИРИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

Бугун пойтахтимизнинг «International» меҳмонхонасида МДХ давлатларининг ер қазрини қидириш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича Ҳукуматлараро кенгашининг XXIV сессияси бўлиб ўтди.

Қарор ва ижро

Ўзбекистон, Арманистон, Беларусь, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Россия делегацияси вакиллари иштирок этган тадбирда МДХ давлатларининг ер қазрини қидириш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича Ҳукуматлараро кенгаши 1997 йил 27 мартдаги Минерал-хом ашё ресурсларини ўрганиш, қидириш ва фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимга мувофиқ ташкил этилган ва у МДХ ташкилоти ҳисобланади. Битим Арманистон, Озарбайжон, Беларусь, Қозғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Украина ва Россия томонидан имзоланган. — Ҳукуматлараро кенгашнинг энг муҳим йўналиши қилинган тарзда ҳаракат қилиш йўли билан МДХ доирасида ер ости бойликларини ўрганиш, қидириш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган, — деди Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси жамоатчилиги ва ОАВ билан алоқалар бўлими бошлиғи Зийёда Аҳмедова. — Унда минерал-хом ашё ресурсларини ўрганиш, қидириш ва фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш, янги ва замонавий услублардан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек, МДХ давлатлари мутахассислари ўртасида таъриба алмашиш, чегараолди ҳудудларини геологик ўрганиш, геологик тавсифдаги умумлашма хариталарини тузиш ва минералогик потенциални ба-

ҳолаш, чуқурликка оид геологик-геофизик тадқиқотларни ўтказиш каби масалалар қамраб олинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 июлда «Халқро шартномага қўшилиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. 2020 йил 26 мартда МДХ Ижроия қўмитаси томонидан Ўзбекистон 2020 йил 16 мартдан эътиборан битимга қўшилишини маълум қилинган. Давлат геология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси «Халқро шартномалар тўғрисида»ги Қонунининг 34-моддасига мувофиқ ушбу битим қоидалари ижросини таъминлайди. — Ҳозирда Давлат геология қўмитаси фойдаланиш қазилмалар конлари жойлашган чегараолди ҳудудларни биргаликда геологик ўрганиш, шунингдек, қўшни Тожикистон, Қозғистон ва Қирғизистон давлатлари билан 1: 1000000 масштабдаги умумлашма геологик хариталарини тузиш ва ер пўсти йирик блокларининг минералогик потенциални баҳолаш ишларида қатнашмоқда. Ҳукуматлараро кенгаш ўз фаолиятини 5 йиллик истиқбол режаси бўйича амалга ошираётир. Бунда ер қазрини геологик ўрганиш, мамлакатлар минерал-хом ашё базаларини тўлдириш ва сифат жиҳатидан яхшилашга доир муайян лойиҳалар ва ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш, илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари, истиқболли лойиҳавий ва таъриба-конструкторлик ишланмаларни аниқлаш ишлари акс этади, — деди Зийёда Аҳмедова.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА, ЎЗА мухбири.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ГУЛТОЖИ

Табриқда давлат тилига оид маълумотларни ўзида жамлаган Ўзбек тили миллий корпусини яратишни тезлаштириш, она тилимизни интернет глобал тармоғида оммалаштириш ва ушбу маконда мустақам ўрин эгаллашни таъминлаш, дастурий маълумотларнинг ўзбекча иловаларини яратиш ишларини жадаллаштириш ҳам олдимизда турган долзарб вазифа экани таъкидланди. Сўзга чиққанлар мазкур вазибалар она тилимизни янада ривожлантириш, унга бўлган эътиборни қучайтириш борасида муҳим дастуриямал эканини эътироф этди. Мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида тахсил олаётган ҳорижлик талабалар ўзбек тилининг нафосати ва жозибаси ҳусусида сўзлади. Ўзбек шоирлари иходидан намуналар ўқилди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Муноҳот Йўлчиева, Юнус Ражабий номидagi мақом жамоаси ижросидаги дилбар қўшиқлар тадбирга янада фойда бағишлади. Тана қатнашчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Бехзод Мусаев иштирок этди.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон — Италия: ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Италия парламенти билан ҳамкорлик бўйича гуруҳи аъзоларининг ушбу мамлакат парламенти қўйи палатасидаги «Италия — Марказий Осиё» дўстлик гуруҳи вакиллари билан онлайн мулоқоти бўлиб ўтди.

Мулоқот

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Италия парламенти қўйи палатаси депутатлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, ОАВ ходимлари иштирок этди. Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги Факултетида ва мухтор элчиси Отабек Акбаров ҳам қатнашди. Онлайн видеомулоқотда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Италия парламенти билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ раиси Қодир Жўраев ва Италия парламенти депутатлари палатасидаги «Италия — Марказий Осиё» дўстлик гуруҳи раиси Симоне Суриано сўнги йилларда ҳар икки давлат муносабатлари динамика тарзда ривожланиб бораётганини қайд этди. Узаро товар айирбошлаш ҳажми 2019 йилда 400 миллион АҚШ долларидан ошди. Гарчи пандемия тўғрисида 2020 йилда ушбу рақам бир оз пасайган бўлса-да, бироқ келгусида ўсиш суръатлари яна шиддат билан давом этиши учун барча асос мавжуд. Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги муносабатлар икки томонлама ва кўп томонлама характерга эга бўлиб, ҳамкорликда сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Сўнги йилларда парламен-

лар, вазирликлар, идоралар, ишбилармон ва илмий-академик доиралар, шунингдек, минтақалар ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада жонланди ва доимий тус олмақда. Видеомулоқотда италиялик парламентарийларга Ўзбекистондаги муҳим сиёсий жараён — Президент сайлови тўғрисида баътафсил маълумот берилди. Кайд этилганидек, бу гагли Президент сайловининг ўзига хос жиҳати, у Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгартишга мувофиқ илк марта октябрь ойида ҳамда яна бир янгилик — Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтмоқда. Марказий сайлов комиссияси аъзоси Суяржон Қурбонқулов сайлов кампаняси даврида барча сиёсий партиялар ва улар қўрутган номзодлар учун соғлом рақобат муҳити ва тенг шартлар яратиб беришнинг алоҳида таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларни сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, халқро ташкилотлар, ҳорижий давлатлар вакиллари, ОАВ ходимлари, хусу-

сан, ҳорижлик журналистлар ҳам кузатиб бормоқда. Сайлов жараёнининг барча босқичида мисли кўрилмаган даражада очиклик таъминланмоқда. Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази ва ҳудудий бўлинмалари журналистлар ва жамоатчиликка сайловга оид масалалар бўйича тезкор ахборот етказилишини таъминлаб келмоқда. Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг «Saylov2021» веб-портали ва бошқа ахборот ресурслари мунтазам равишда фаолият кўрсатмоқда. Сайловларда 5 та партия ўз номзодини илгари суриш ҳуқуқига эга бўлди. Видеомулоқотда таъкидланганидек, шу йилнинг 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусида халқро конференция ўтказилди. Мазкур конференция халқро майдонда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ифодалашда муҳим платформа вазирасини ўтади. Ушбу конференция илк бор Жанубий Осиё минтақасининг Марказий Осиё учун устувор аҳамиятини белгилаб берди. Тошкент халқро конференциясида Ўзбекистоннинг ўта муҳим ташаббуси — Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлаш Трансафғон транспорт йўналиши барпо қилиш госяи илгари сурилгани италиялик парламентарийлар томонидан алоҳида эътироф этилди. Улар ушбу лойиҳа, бир томондан, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнини янада жадаллаштиришга олиб келса, иккинчи томондан, Марказий ва Жанубий

Осиё минтақалари ўртасида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги кооперация учун улкан имкониятлар очишини таъкидлашди. Уларнинг фикрича, ушбу темир йўл қурилиб, фойдаланишга топширилмаган бўлса, бундан Марказий Осиё ҳам, Жанубий Осиё ҳам бирдек манфаат топади. Қолаверса, Осиё ва Европа мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда ҳам мазкур Трансафғон темир йўл лойиҳаси жуда муҳим аҳамиятга эга. Видеомулоқот жараёнида, шунингдек, давлатлар ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликда эришилган натижалар, парламентлараро мулоқотни ривожлантириш, халқро ташкилотлар доирасида томонларнинг ўзаро ёрдамчини таъминлаш, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий-гуманитар алоқаларни ўрнатиш ва мустақамлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар ўзаро манфаатли бўлган кенг қўламли масалалар бўйича парламентлараро ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканликларини билдирди. Видеомулоқот якунида иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси ва Италия Республикаси ўртасидаги муносабатларини ва амалий ҳамкорликни ҳар томонлама мустақамлашга қаратилган парламентларнинг ўзаро интилишларини маълумлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ АНАТОЛИЙ НИКОЛАЕВИЧ ПАНИН

Мамлакатимиз тоғ-кон саноти оғир худудликка учради. Бутун меҳнат фаолияти давомда Навоий кон-металлургия комбинатида фидокорона хизмат қилган моҳир экскаваторчи-машинист, меҳнат фаҳрийси, Ўзбекистон Қаҳрамони Анатолий Николаевич Панин шу йил 21 октябрда 72 ёшида вафот этди.



А.Панин 1949 йил 12 март кунин Россия Федерациясининг Тула вилоятидаги Улзов туманида туғилди. Ўрта мактабни тугатиб, дастлаб Дон шахридаги касб-техника мактабиди, кейинчалик Навоий касб-хўнар техникумида тахсил олди.

Бутун ҳаёти ва меҳнат фаолиятини Ўзбекистон тоғ-кон саноти ривожига бағишлаган А.Панин Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимоллий кон бошқармасига қарашли «Шарқий» карьериди иш бошлаб, кўп йиллар давомда экскаватор машинисти, машинистлар бригадирини, участка устаси вазибалариди самарали хизмат қилди.

Ўз қасбининг ҳақиқий жонқуяри бўлган А.Панин бой билим ва таърибаси, барчага ибрат бўладиган меҳнатсеварлик, мардлик ва матонат, жонажон Ватанимизга муҳаббат сингарин юксак инсоний қазиларини билан нафақат қончилар жамоатчилигини, балки кўп миллатли халқимизнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

У Қизилқум саҳроси бағридаги ноёб қазилма бойликларини ўзлаштиришда жонбозлик кўрсатди. А.Панин, айниқса, мустақиллик йилларида шарафли меҳнати, шахсий ибратини, жамоатчилик ишларидаги фаол иштироки билан иқтисодий-иқтисодийнинг муҳим стратегик йўналиши бўлган тоғ-кон саноти ривожини янги босқичга олиб чиқиш, ушбу тармоқда янги ишлаб чиқариш муносабатлари ва аъналарини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшди.

Айни пайтда ёш қончилар авлодини тарбиялаш, ўзи истиқомат қилган Учқудуқ туманини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, ишлаб чиқаришда юқори иқтисодий самарадорликка эришишда унинг хизматлари катта бўлди.

Кейинги йилларда халқ депутатлари Учқудуқ тумани Кенгаши депутати сифатида худудда ислохотларни амалга ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжихатликни мустақамлаш, спорт ва соғлом турмуш тарзини оммалаштиришда алоҳида фаоллик кўрсатди. А.Паниннинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги улкан хизматлари юксак даражада эътироф этилиб, 1995 йилда «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвонини ҳамда «Олтин юлдуз» медали билан мукофотланган эди.

Мамлакатимиз кон-металлургия соҳасининг чинакам фидойисини ва муқтарам фаҳрийсини, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Анатолий Николаевич Паниннинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОУЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Қ. ТУРСУНОВ, Қ. САНАҚУЛОВ

ОНА ТИЛИНИ АСРАГАН ХАЛҚ ЎЗЛИГИНИ АСРАЙДИ

Тил миллатнинг беназир бойлиги бўлиб, унинг ўзлиги асоси, маънавий ва маданий қиёфасини акс эттирувчи муҳим бирлик саналади. Она тилимиз — олимпиз, ғуруримиз. Уни йўқотсак, қиёфамизни ҳам бой беримиз, яшайдан маҳрум бўламиз. Тилимизни асраш, ривожлантириш — миллатнинг юксалиши демак. Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб нишонланаётган Ўзбек тили байрами тилимизнинг беқиёс аҳамиятини, тарихий қадр-қимматини яна бир бор намоён этаётир. Бинобарин, Ўртбошимизнинг халқимизга йўллаган байрам табриғи ҳам миллий маънавий бойлигимиз саналган тилимизга эътиборнинг юксак ифодасидир. Таниқли олим-тилшуносларимизнинг фикрлари шу ҳақда.

Муносабат

Қозоқбой ИҶДУШЕВ, педагогика фанлари доктори, профессор: — Байрам муносабати билан мамлакатимиз Президентининг табриғида «Ҳозирги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган эҳлу интилиш ва ҳаракатларимиз ҳам қилувчи босқичга кўтарилимоқда. Бу йўлда миллий ўзлимиз, ғурур-ифтихоримиз тисмоли бўлган она тилимиз, ҳеч шубҳасиз, беқиёс куч-қудрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади», дея таъкидлангани тилимизнинг мамлакат келажиги тақдирини муҳим аҳамият касб этишига ишоратдир.

Дарҳақиқат, тилининг эгаси халқ, аммо халқнинг битта вакили лоқайд бўлса ҳам тилининг соғлиғига путур етати. Тил — мамлакат тисмоли, қимматбаҳо мулкидир. Тил маданиятга амал қилинмаса, миллий маданиятга доғ тушиши турган гап. Шу сабабли Ўзбек тилининг мамлакатимизда давлат тили сифатида амал қилишининг ҳуқуқий асослари қонун билан мустақамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»-ги Қонуни уч принципга: умумийлик, мажбурийлик ва ҳуқуқий қаролатга асосланган. Шу маънода, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси давлат тилида сўзлай олиш

манг, 20 — 30 йил давомиди тилимизни сақлаб, ривожлантиришимиз ёки ҳозирги беварволимиз билан 20 — 30 йил давомиди ундан буткул маҳрум бўлишимиз мумкин. Агар тилимиздан маҳрум бўлсак, миллат сифатида дунё айвонидан йўқолиб кетишимиз ҳам ҳеч гап эмас.

Асосийси, тилга эътибор, уни миллий бойлик сифатида севиб-ардоқлаш, бойитиш, келажак авлодларга бус-бутун етказиш бизнинг аждодлар руҳи олдидаги маънавий бурчимиз ҳисобланади. Бу бурчин унутиш қандай маънавий фожиаларга олиб келиши мумкинлигига тарихда ҳам мисоллар кўп. Марғуба АБДУЛЛАЕВА, филология фанлари доктори, доцент: — Тилин севиш, ардоқлаш, миллатни севиш ва уни қадрлаш билан тенг ҳисобланади. Ҳар қайси халқнинг турмуш тарзини, урф-одатларини, маданиятини унинг тилида ўз ифодасини топади. «Тил — миллат кўзгуси», деб бежиз айтилмаган. Халқимизнинг неча асрлик бой тари-

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Жумладан, қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини тартибга солиш ва қон ҳақида қонуний ҳужжатлар билан тартибга солинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлишлар мавжуд ва уларни бартараф этишга қаратилган чоралар қўрилмаган.

Ихтисослаштирилган муассасалар моддий-техника таъминоти ва модернизациялаш, хусусан, ПЭР аппаратлари, гемоцитоферез, плазмаферез, иммуногематологик анализатор ва ИФА-анализатор ҳамда бошқа ускуналар билан жиҳозлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланмаган.

Муҳожама жараёнида қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасини ривожлантиришда амалга оширилаётган чора-тадбирлар парламент доимий назоратида бўлиши қайд этилди.

Ушбу масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра сенаторлар коронавирус пандемиясидан кейин туризмни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳолати юзасидан илгари юборилган парламент сўровига Вазирлар Маҳкамасининг жавобини қўриб чиқдилар.

Мажлисда ҳукуматнинг парламент сўровига жавоби батафсил муҳожама этилди. Жумладан, сенаторлар Ўзбекистонда туризм соҳасини тиклаш, ҳорижий туристларнинг маҳаллий туристлар билан алмаштирилишини таъминлаш мақсадида солиқ имтиёзлари ва преференциялар тўғрисида, шунингдек, туризм соҳаси учун субсидиялар, судлар, грантлар шаклидаги молиявий ёрдам кўрсатишни назарда тулғуви қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида таъкидладилар.

Қайд этилганидек, 23 та туристик ташкилотга 289,2 миллион сўм, барпо этилаётган уч юздўзлик 3 та меҳмонхонага 1,2 миллиард сўм субсидия, шунингдек, 37 та туроператорга 370 миллион сўм ва 11 нафар таржимон-гидга 55 миллион сўм миқдорда грантлар ажратилган. Бундан ташқари, 50 та туроператорга 1,6 миллиард сўм ва 191 та жойлаштириш воситасига 14,5 миллиард сўм миқдорда фоизсиз ссудалар ажратилди.

Мамлакатдаги бир қатор аэропортларда "очик осмон" режимида ўрнатилиш, фуқаролари Ўзбекистонга визасиз ташриф буюриши мумкин бўлган мамлакатлар рўйхатини кенгайтириш чоралари қўрилди. Туристлар учун "Uzbekistan/Safe travel GUARANTEED" санитария-эпидемиология хавфсизлиги тизими жорий этилди, илк бор "Fast Track" хизмати йўлга қўйилди.

Ўзбекистон шаҳарлари ўртасида янги авиа ва темир йўл рейсларини йўлга қўйиш чоралари қўрилди. Айрим умумхалқ байрамларини нишонлаш даврида қандайдир қўнлик дам олиш кунларини беришни назарда тулғуви тартиб жорий этилди.

Сенаторлар амалга оширилган ишлар билан бир қаторда айрим камчиликлар ҳам борлигини, уларнинг бартараф этилиши эса мамлакатда туризмни тиклаш ва ривожлантиришга ёрдам беришни таъкидладилар.

Хусусан, туризм ҳисобига транспорт логистикасини ривожлантириш ва энг аввало, қўшни мамлакатлардан сайёҳлар оқимини қўлайитириш, ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ер ажратилиши соддалаштириш, туристик хизматлар сифатини ошириш, янги, истиқболли бозорлар топиш мақсадида маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар қўриш зарур.

Бундан ташқари, ҳорижий сайёҳлар учун авиачиплар нархини камайтириш масаласи ҳам долзарблигича қолмоқда, бундай чиплар мўқобил йўналишларга нисбатан ўртача 30 — 40 фоиз қиммат турди.

Фол муҳожама якунида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш устидан қатъий парламент назорати ўрнатилиши белгиланди.

Шундан кейин сенаторлар иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда аҳоли тураржойларида қуёш ва шомол энергиясидан фойдаланиш бўйича Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласини муҳожама қилдилар.

Қайд этилганидек, бугунги кунда республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг жаддаллашуви, сановатли тезкор ривожланиши, аҳоли сонининг қўлайлиши энергияга бўлиб қарган талабнинг кескин ошиши ва у 2030 йилга бориб 2 баробар ортиши кўтилмоқда.

Мажлисда ривожланган давлатларда қайта тикланувчи манбалардан олинб, ишлаб чиқарилаётган энергия умумий ҳаҷмининг 30 — 40 фоизига тўғри келаётган бўлса, республикада ушбу кўрсаткич (қуёш ва шомол энергияси бўйича) атиги 1 фоизни ташкил этаётгани таъкидланди.

"Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, соҳадати давлат бошқаруви Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилиши қайд этилди.

Шунингдек, энергияга бўлган талабни қондириш мақсадида амалдаги қонунчилик ҳужжатларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасига инновацион технологиялар, илмий-техникавий ишланмалари жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбалари қўрилмаларининг энергия жиҳатидан самарадорлигини ошириш, улар ишлаб чиқарилишини кенгайтириш, энергия ишлаб чиқариш қувватларини яратишга тадбиркорлик субъектларини жалб этиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш билан боғлиқ долзарб вазифалар белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикасидаги истеъмолчиларнинг истеъмол қуввати 350 МВтни ташкил этиб, Ташкент иссиқлик электр станцияси, Тўғйўйин гидроэлектр станцияси ва Устюрт газ-кимикс комплекси томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси билан таъминланди.

Хусусан, 2021 йил 1 октябрда ҳолатига электр энергияси истеъмолчилари сони 2017 йилдагига нисбатан 14,5 фоиз ошган, 2030 йилда эса бугунги кундагига нисбатан 2 баробар ортиши кўтилмоқда.

Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикасида бу борада қуёш ва шомол энергиясидан фойдаланиш бўйича бир қатор истиқболли лоийҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2024 йилда Саудия Арабистонининг "Acwa Power" корхонаси томонидан Қораўзғ туманида 100 МВт шомол электр станцияси ишга тушурилиши, жорий йилда Қўнғир туманида қуввати 200 МВт бўлган шомол электр станцияси қурилиши тендерга қўйилиши ҳамда 2030 йилга бориб Қорақалпоғистонда қуввати 1800 МВт станция қурилиши белгиланган.

Мажлисда қайта тикланувчи энергия манбалари қўрилмаларининг ишлаб чиқилиши тўғрисида қўрилган қўнликларни, бу соҳага тадбиркорлик субъектларини жалб этиш ишлари сўз экани, қўрилмаларнинг ягона электр энергетика тизимига улаштиришда мавжуд муаммолар сабабли қайта тикланувчи энергия манбаларидан иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли тураржойлари, шунингдек, марказлаштирилган энергия таъминоти тизимларидан узокда жойлашган ҳудудлардаги аҳолини арзон ва қўлай электр энергияси билан таъминлаш муаммо бўлиб қолаётгани таъкидланди.

Муҳожама якунида бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Йлп мажлисда "Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун қўриб чиқилди.

Сенаторлар томонидан қонунда қайта қўриб чиқилиши лозим бўлган бир қатор нормалар мавжудлиги, хусусан, унда назарда тутилаётган аҳолининг ижтимоий

эктиёманд қатламлари амалдаги бошқа қонунларда белгиланган аҳолининг ижтимоий эктиёманд тоифаларига номувофиқлиги қайд этилди.

Масалан, "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эктиёманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси ва "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Қонуннинг 38-моддасида аҳолининг ижтимоий эктиёманд тоифалари белгиланган. Бирок ундаги ушбу тоифалар "Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонунда кўрсатилмаган.

Хусусан, қонунда ўн тўрт ёшга тўлганлар болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз отага ёки онага, шунингдек, қўп болали оилалар ота-оналари, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати қўшинларидаги мuddати ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар, пенсияолди ёшидаги шахслар, жазони икки эшбу муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига қўра ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари қўланган шахслар ва одам савдосидан жабрланганлар ўз аксини топмаган.

Қонуннинг 12-моддасида тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий корхона мезонларига мос келиши уларнинг солиқ ҳисоботларини ўрганиш орқали солиқ органлари томонидан аниқлиниши, 17-моддасида олинган фойданинг қандайдир икки қисми ушбу қисмда белгиланган мақсадлар учун йўнаштирилганиги



ижтимоий корхонанинг солиқ ҳисоботларига асосан аниқлиниши назарда тутилмоқда.

Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февралда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида"ги Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан солиқ ва бошқа ҳисоботлар шакллари тасдиқланган бўлиб, улар орқали тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий корхона мезонларига мос келиши ҳамда олинган фойданинг қандайдир икки қисми белгиланган мақсадлар учун йўнаштирилганини аниқлиниши имкони мавжуд эмас.

Бу эса келгусида амалиётда солиқ органлари томонидан ҳисоботларни қабул қилиш, ижтимоий корхоналар реестрига киритиш ёки реестрдан чиқаришда турли хил муаммолар ҳамда номувофиқликларни келтириб чиқариши мумкин.

Шунингдек, қонуннинг 15-моддасида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар иш ҳақи миқдорини қонунчиликка қўра меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган миқдорда белгилаш, улар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш, шунингдек, иш бевурачи сифатида ўзининг фуқаролик жаовабгарлигини суғурта қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда техника хавфсизлиги, экология, санитария ва гигиена соҳасидаги қонунчилик ҳамда норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиш ижтимоий корхоналар мажбуриятлари сифатида келтирилган.

Худди шу нормалар "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қаролатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасида, қолаверса, Меҳнат кодекси ва бошқа амалдаги қонунчилик ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топган.

Шу муносабат билан амалдаги қонунларда мавжуд нормаларни тақдоран белгилаш қанчалик тўғриллигини ўрганиб чиқиш ҳамда ўзаро мувофиқлаштириш талаб этилади.

Қонуннинг 17-моддасида солиқ ва бошқа тўловлари бўйича имтиёзлар берилиши, давлат кўчмас мулк объектларини қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёзли асосда ижарага бериш, соддалаштирилган молиявий ва солиқ ҳисоботлари, бепул реклама қилиш унв эфир вақти, нашр ёки реклама маҳдоти ажратиш, давлат буюртмачилирига тўғридан-тўғри шартномалар бўйича ижтимоий товарларни реализация қилиш ва ижтимоий хизматлар қўрсатиш ҳамда бошқа имтиёз ва преференциялар берилиши, 18-моддасида Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий лоийҳаларни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қайтарилмайдиган асосда субсидиялаш амалга оширилиши белгиланган.

Ушбу имтиёз ва преференцияларни белгиловчи нормалар товар ва молия бозорларидаги рақобат мўҳитига ўзининг салбий таъсирини қўрсатиши мумкинлигини инобатга олиб, мазкур нормаларни қайта қўриб чиқиш мақсада мувофиқлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, Президентнинг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ешларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта қўриб чиқиш, Тадбиркорлик кодекси лоийҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб, ижтимоий тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатларни алоҳида қонун шаклида эмас, балки ишлаб чиқиладиган Тадбиркорлик кодекси лоийҳасида кўзда тутиш масаласини ўрганиб чиқиш аниқ мuddаюдр.

Қонун аҳолининг ижтимоий эктиёманд қатламларини иш ўринлари, ижтимоий товарлар ва ижтимоий хизматлар билан таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларга қарши курашиш, оқибатларини бартараф этишга қаратилган ижтимоий товарларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ҳамда хизматлар қўрсатишни назарда тутилганини инобатга олиб, уни қўчурок қайта таҳлил қилиш, соҳадати илгор ҳорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш лозим деб топилди.

Юридагиларга асосланиб, сенаторлар томонидан "Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қайта қўриб чиқиш мақсада мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қонун сенаторлар томонидан рад этилди.

"Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун сенаторлар муҳожама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, қонун билан амалдаги Божхона кодексининг 81 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, 70 та моддага тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, 10 та янги модда билан

тўлдирилмоқда ва 1 та модда чиқариб ташланмоқда.

Тақлиф этилаётган асосий ўзгариш ва қўшимчалар қуйидагилардан иборат:

Божхона назоратини соддалаштириш йўналишида божхона расмиёлаштируви мuddати 3 кундан 1 кунга қисқартирилмоқда. Товар ва транспорт воситаларини тегишли божхона режимларига жойлаштириш мақсадида талаб этиладиган рўхсатномалар бериш тартиби бекор қилинмоқда. Шунингдек, қайта ишлаш натижасида ҳосил бўладиган товарлар чиқуш нормасини ваколатли шахслар томонидан белгилашнинг ҳуқуқий асоси белгиланмоқда.

Божхона тўловлари тўлианишини соддалаштириш йўналишида эса мамлакатимизга олиб киришда солиқ солишдан озод этиладиган товарлар рўйхати мувофиқлаштирилмоқда.

Бундан ташқари, Божхона кодекси янги моддалар билан тўлдирилмоқда. Хусусан, божхона ва тадбиркорлар ўртасидаги низоларни судга ҳал қилиш бўйича янги тизим киритилмоқда.

Қайд этиш лозимки, божхона органларининг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ 2019 йилда 15 та ва 2020 йилда 29 та низоли ишлар маъмурий судлар томонидан қўриб чиқилган бўлиб, бу тадбиркорларнинг турли суд инстанцияларидаги овозбарқчилиги сабаб бўлган.

Тақлиф этилаётган янги тизим ёрдамида мавжуд

ҳудудга олиб кириш, шунингдек, уларни реализация қилишда айланмалар қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши бўйича қўшимча норма киритилмоқда.

Аҳолини асосий турдаги озик-овқат маҳсулотлари билан қафолати таъминлаш, нархларни барқарорлаштириш ва даромадларни оширишга хизмат қилиши ҳисобга олинб, қонун маъқулланди.

Шундан сўнг ялп мажлисда "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун сенаторлар эътиборига ҳавола этилди.

Мазкур қонун билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари кўнайтирилмоқда. Сув истеъмолчилари уюшмаларининг фаолияти ўз аъзоларининг ҳар йиллик аъзолик бадали, шартнома асосида суви етказиши ва бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида таъкидланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, фойдаланувчилар мажбуриятлари қаторига рақамли технологияларни жорий қилиш шартлиги киритилмоқда.

Шу билан бирга, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга сув объектиларининг суви муҳофазаси қилиш ва санитария-муҳофаза зоналари режимини бузиш тақиқланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги эктиёлари учун сув ресурсларидан фойдаланувчи сув истеъмолчиларининг мажбуриятлари суви тежайдиган технологияларни жорий этишга доир ҳар бир лоийҳага Давлат бюджетидан ажратилган субсидиялардан қандайдир беш йил самарали фойдаланиш, шунингдек, суви тежааш имконини берадиган агротехника тадбирларини амалга ошириш шартлиги киритилмоқда.

Сув етказадиган зарарли таъсирдан муҳофаза қилиш, олдини олиш ва уни бартараф этиш тадбирлари Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар балансидаги объектларда тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан, сув истеъмолчилари балансидаги объектларда эса ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида суви тежайдиган сугориш технологияларини жорий қилиши жаддаллаштириш ва сувдан оқилона фойдаланилиши, сув истеъмолчилари уюшмаларининг сувдан фойдаланилиши тартибга солиш бўйича ваколатлари кенгайтириш, қўрсатишдан сув хўжалиги хизматлари

учун тўловларнинг ўз вақтида ундирилиши ҳамда молиявий ҳолатини яхшилашга, сув хўжалиги объектларидан фойдаланишда давлат-хусусий шериклиги тямойилларини жорий қилиш ва Давлат бюджети харажатларини камайтиришга ва бошқа натижаларга эришилди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Сўнгра "Наркологик касалликларга чалинган шахслар ҳўжжати химоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қонун муҳожама этилди.

Қонун тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари ва экспертлар иштирокида ҳар томонлама ўрганиб чиқилгандан сўнг сенаторлар ҳужжати тамомила қайта қўриб чиқиш зарур, деган хулосага келди.

Гап шундаки, қонунда "Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида"ги қонун киритилаётган янги "гайримурбий даволаш" тўғрисидаги норманинг фазилати муноҳияти очиб берилган ҳамда мажбурий даволаш тушунчаси билан ўртасидаги фарқли жиҳатлари ёритилмай қолган.

Шунингдек, психоактив моддалар таъсирда мастлик ҳолатида маъмурий ҳўққбузарликлар содир этганилик учун мажбурий ва гайримурбий тарзда даволаш учун алоҳида асослар ва механизмларни ишлаб чиқиш лозим деб топилди.

Бундан ташқари, шахсни гайримурбий тартибда наркология муассасасига ётқизиш учун судга ариза бериш тартибидо ҳам камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Шунингдек, ариза билан судга мурожаат қилинганда давлат божининг тўлианиши ёки ундан озод қилиниши, умуман олганда, давлат божи ким томонидан тўлашиши аниқлик киритилмаган.

Қонунда тартибга солинадиган жамоатчилик муносабатларининг аҳамияти эътиборга олинб, сенаторлар қонунни қайта қўриб чиқишни, унга комплекс ёндашиб, тақомилга етказишни мақсада мувофиқ деб ҳисобладилар ва қонун рад этилди.

Йлп мажлисда сенаторлар "Музейлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунни ҳам қўриб чиқдилар.

Мажлисда учинчи Ренессанс пеедворе қўйлаётган мамлакатимиздаги аввалги икки уйғонши даври ҳақида маълумотларга эга бўлиш учун ҳам фарзандларимиз, ёшлар, барча аҳолининг музейларга мунтазам боришини йўлга қўйиш ҳамда музейларимиз фондиди бойитиб, моддий-техника базасини изчил яхшилаб бориш зарурлиги таъкидланди.

Шу ўринда табиий савол туғилади: янги қонун қабул қилинишига қандай зарурат бор?

Биринчидан, амалдаги қонунда музейлар томонидан ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш, жумладан, товарлар сотиш ва хизматлар қўрсатишининг ҳўқуқий асослари белгиланмаган.

Иккинчидан, ҳозирда давлат музейларига бюджет маблағлари, асосан, музей фаолиятини сақлаб туриш, қуриш ва таъмирлаш ишлари учунгина ажратилмоқда. Бу эса музейлар ўзлари толган даромадлари қўрсатиладиган хизматларнинг сифатини замонавий талаблар ва халқаро стандартларга мослаштириш имконини бермайди.

Учинчидан, амалдаги "Музейлар тўғрисида"ги Қонунда музей ҳудудида унинг ташкил этиш мақсадида зид бўлган ёки музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш ҳолатига салбий таъсир қўрсатиши мумкин бўлган фаолиятни тақиқлаш масаласини тартибга солиш ҳам мавжуд эмас.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш, музейлар томонидан қўрсатиладиган хизматлар сифатини замонавий талаблар ва халқаро стандартларга мослаштириш, уларнинг маҳаллий ташир буюрувчилар ва туристлар учун жозибадорлигини ошириш учун ҳам ушбу қонунни қабул қилиш зарурати пайдо бўлган.

Тақлиф этилаётган ҳўжжатда музей ҳудудида унинг ташкил этиш мақсадида зид бўлган ёки музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш ҳолатига салбий таъсир қўрсатиши мумкин бўлган фаолият тақиқлаш масаласини тартибга солиш ҳам мавжуд эмас.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш, музейлар томонидан қўрсатиладиган хизматлар сифатини замонавий талаблар ва халқаро стандартларга мослаштириш, уларнинг маҳаллий ташир буюрувчилар ва туристлар учун жозибадорлигини ошириш учун ҳам ушбу қонунни қабул қилиш зарурати пайдо бўлган.

Тақлиф этилаётган ҳўжжатда музей ҳудудида унинг ташкил этиш мақсадида зид бўлган ёки музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш ҳолатига салбий таъсир қўрсатиши мумкин бўлган фаолият тақиқлаш масаласини тартибга солиш ҳам мавжуд эмас.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш, музейлар томонидан қўрсатиладиган хизматлар сифатини замонавий талаблар ва халқаро стандартларга мослаштириш, уларнинг маҳаллий ташир буюрувчилар ва туристлар учун жозибадорлигини ошириш учун ҳам ушбу қонунни қабул қилиш зарурати пайдо бўлган.

2021 йилнинг ўтган давридаги фаолияти юзасидан ҳисоботи муҳожама этилди.

Қайд этилганидек, қўмита томонидан қонунчилик фаолияти доирасида ҳисобот даврида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари иштирокида ва экспертларни жалб қилган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъқуллаш учун Сенатга киритилган 15 та қонун (2020 йилда 8 та, 2021 йилнинг 9 ойида 7 та) ва 20 та масала дастлабки тарзда қўриб чиқилиб, Сенат ялп мажлиси муҳожамаасига киритилган.

Назорат-таҳлил фаолияти доирасида 14 та тадбир ўтказилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг аъбороти 4 марта, мудофаа вазири ҳамда Мудофаа саноти давлат қўмитаси раисининг аъборотлари 1 мартадан, Санот хавфсизлиги давлат қўмитаси раисининг аъбороти 1 марта, фавқулодда вазиятлар вазири, Давлат божхона қўмитаси раиси, энергетика вазири ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимининг аъборотлари 1 мартадан эшитилган.

Сенатга келиб тушган ҳисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари, жойларда аҳоли билан учрашувлар ва сайёр қабуллар ҳамда ижтимоий тармоқлардаги (Facebook, Instagram, Telegram messenger ва х.к.) мурожаатларда кўтарилган масалалар юзасидан 3 та парламент сўрови юборилган. Уларнинг натижаси қўмита ва Сенатнинг ялп мажлисида муҳожама қилинган.



2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши парламент нигоҳида

Хавфсизликни таъминлаш ва мудофаа салоҳиятини ошириш соҳасида



Эркин САЛИХОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

Тинчлик ва барқарорлик ҳум сурган давлат ривожланади, юксалади, тараққий этади. Шу боис 2017 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам мамлакатимизнинг мудофаа қобилияти, Қуроли Кучларнинг жанговар қудрати ва салоҳиятини мустақамлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш, жисмонан соғлом, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуктага эга бўлган аҳоли тарбиялаш устувор ва зарур сифатида белгиланган.

бирлар амалга оширилмоқда. Юртимизнинг ҳар бир ҳудудида ташкил этилган ҳарбий-маъмурий секторлар "Халқ ва армия — бир тану бир жондир" деган широр остида ҳарбий инфратузилмани модернизация қилиш ва мавжуд ихтимой муаммоларини ҳал этишда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди.

тадбирлари доирасида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, чақирғува қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитиш, ҳарбий хизматга чақирилаётган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал ва ахлоқий-руҳий тайёргарлигини яхшилаш, Давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши ва бошқа долзарб масалалар юзасидан ўрганиш ва эшитувлар ўтказилмоқда.

Қуроли Кучларнинг қурол-яроғ, ҳарбий ва махсус техника, ҳарбий аҳамиятга эга бўлган айрим турдаги махсусотларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қаноатлантириш бўйича вазифаларнинг ечимига масъул бўлган Мудофаа саноати давлат қўмитаси ташкил этилди. Мудофаа саноати корхоналарида илмий-ишлаб чиқариш базасини яратиш, ҳарбий мақсадга мўлжалланган махсусотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, уларни таъмирлаш ва модернизация қилиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мудофаа соҳасида амалга оширилган ишловларнинг натижаси сифатида сўнгги йилларда бир қатор нуфузли халқаро ҳарбий машғулот ва ўйинларида Ўзбекистон ҳарбий жамоалари фахрли ўринларни эгаллаб келаятигани келтириш мумкин. Шу билан бирга, 2020 йилда республика ҳудудларида содир бўлган табиий ва техноген офатларнинг оқибатларини бартараф этишда Қуроли Кучларнинг томонидан қисқа вақт давомида тезкорлик билан муҳандислик, кидирув-қутқарув, авария-тиклаш операциялари ташкил этилганини таъкидлаб ўтиш зарур. 2020-2021 йилларда ҳарбий госпиталлар ва Тошкентда очилган вақтинчалик шифохонада коронавирус инфекциясига чалинган 40 мингдан ортиқ ўта оғир ва оғир беморларни ҳарбий шифокорлар даволлади.

Мудофаа ва хавфсизлик соҳаларидаги ишловлар доирасида барча бўғиндаги профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар бажарилиди. Хусусан, таълим жараёнига энг янги усул ва технологиялар жорий этилган, замонавий ўқув тренажёр ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Академияси, Аxbорот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти, Қуроли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси, Жамоат хавфсизлиги университети каби ҳарбий таълим муассасалари янгидан ташкил этилиб, фаолиятлари йўлга қўйилди.

Минтақамизда ҳозирги кунда юзага келган ҳарбий-сиёсий вазиятга баҳо берав эканмиз, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини ва Қуроли Кучлари салоҳиятини мустақамлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ислоҳ этиб, самардорлигини ошириш масалалари беш йил муқаддам Ҳаракатлар стратегиясида устувор ва зарур сифатида тўғри ва ўз вақтида киритилганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида Қуроли Кучлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан фуқаролик ва парламент назоратини кучайтириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий механизмлар амалга киритилди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг соҳавий қўмитаси томонидан ҳарбий қурилиш йўналишидаги сиёсатни амалга ошириш, жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид долзарб масалалар юзасидан кўп тузилмалари раҳбарларнинг аxbоротларини тизимли асосда эшитиб бориш амалиёти йўлга қўйилди. Масалан, парламент назорати

Хулоса сифатида айтганда, охириги беш йилда соҳада амалга оширилган ишловлар натижасида мамлакатимиз мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч ва оқошайша ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ҳамда ўз ичига Қуроли Кучлари, давлат бошқаруви ва вазирлик органларини, жамоат ташкилотларини бирлаштирган ягона тизим яратилди.

Infographic titled 'Харбий инфраструктурани ривожлантириш' and 'Мудофаа саноатини ислоҳ қилиш'. It includes statistics like '19 та полигон янгидан қурилиб, замонавий ўқув-маддий базаси билан жиҳозланди' and '14 та ҳарбий полигон «Дала тайёргарлиги» вена маркази остидаги барча кўп тузилмаларнинг жондор тайёргарлик машғулотлари учун жиҳозланган'. It also lists military units and academies from 2017 to 2021.

ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗ ЯНГИ ТАРИХИГА ЧИЗГИЛАР

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ОСТОНАСИДА” НОМЛИ КИТОБ ЧОП ЭТИЛДИ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг янги Ўзбекистонни барпо этиш гоёси ва учинчи Ренессанс асосини яратиш борасидаги ташаббуси бугун реалликка кўча бошлади. Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим Ўйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, халқимизни улғу мақсадлар сари руҳлантирмоқда.

Тақдимот

Иқтисодиёт фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, сенатор Муртазо Раҳматов ҳамда академик, биология фанлари доктори, профессор Бақридин Зарипов ҳаммуаллифлигидаги ушбу китобда айни шу ўзгариш ва янгиликлар жараёни ҳақида ҳикоя қилинади. Янги янги Ўзбекистоннинг бунёд этиш борасида амалга оширилаётган шиддатли ишловлар, ривожланишнинг янги босқичида қўлга киритилаётган инқилобий муваффақиятлар ҳақида сўз юритилади. Шу билан бирга, юртимиз замини тарихда иккита буюк Ўйғониш даврларига бешик бўлгани, дунё илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган улғу муваффақиятлари етиштириб бергани маҳорат билан қаламга олинган. Айниқса, учинчи Ренессансга қўйилаётган пойдевор ва янги тамаддун асослари аниқ далиллар асосида очиб берилган. Шу маънода, мазкур асар китобхонларда мамлакатимизда янги ўқиш ва ривожланиш босқичига кўтарилиш борасида белгилаб олинган янги Ўзбекистоннинг стратегик йўли ҳақида тўлиқ ва муқамал тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. — Минтақамиздаги биринчи Ренессанс алломаларидан бири

Фаробий фозил жамиятни шундай тасвирлаган эди: “Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир. Бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади”. Бугун юртимизда амалга оширилаётган ишлар, хусусан, илм-маърифат соҳасидаги улкан ўзгаришларни таҳлил этганимизда, ҳаргал улғу алломанинг шу сўзлари ёдимиғизга келаверади, — дейди Муртазо Раҳматов. — Чунки Ўзбекистонда тарихан қисқа фурсатда бутунлай янгила сибейий-ҳуқуқий, иқтисодий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит яратилди. Бу эса мамлакат обрў-эътибори ва нуфузини оширишга хизмат қилган эъришликларга асос бўлмоқда. Бунга яқиндан кузатаётган таърихчи экспертлар, сиёсатчи ва таҳлилчилар Президентимиз Шавкат Мирзиёевни “Сингапур мўъжизаси” асосчиси Ли Куан Ю ҳамда Хитой иқтисодий тараққиёти меъморини Дэн Сяопинга ўхшатишмоқда. Аммо юртимизда олиб борилаётган жадал ишловлар Ли Куан Ю ва Дэн Сяопинники билан қиёсланганда ўзининг шиддаткорлиги, тез ва инқилобий экани билан устунликка эга. Бу эса йиллар давомида йил-йили қолган мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ечиш, янги

Санс гоёси ниҳоятда ажойибдир. Сабоби бугунги илму фанга асосланган, дунёни фақатгина илм билан бошқариш мумкин бўлган замонда шундай гоғларгина қудратли куч қасб эта олади.

Китобда кишини мушоҳадага чорлайдиган яна бир жиҳат — бу иқтисодий илмнинг тарғиб этилганидир. Гапнинг очигини айтганда, биз узок йиллар молиявий билимларни халқона тилда ўқийша муяссар бўлмадик. Иқтисодиёт илмига асосланган китобларда, умуман, иқтисодиёт назариясида ҳақиқатлик ананайин йироқ туйғу эди. Балки шу боис ҳам халқнинг иқтисодий илми заифроқ ёки пуфак тушунчаларга боғлиқ бўлиб қолди.

Мазкур рисолада давлатимиз раҳбарининг гоёси асосида мамлакат пахтачилигида жорий этилган кластер усули янги Ўзбекистон иқтисодиётининг “драйвер”ига айланаётганини содда ва халқона тарзда очиб берилгани муаллифларнинг муваффақияти бўлган, десак, айни ҳақиқат. Дарвоқе, ушбу китоб “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти билан ҳамкорликда “Zamin nash” томонидан нашр этилди.

Саид РАҲМОНОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги нодавлат нотижорат ташкилотларига қарз маблағлари ажратиш бўйича очиқ танлов

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги «Ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларини самарали амалга ошириш ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолияти учун микрокредитлар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 388-сонли қарори асосида нодавлат нотижорат ташкилотларига қарз маблағлари ажратиш бўйича очиқ танлов ўтказилди.

2 миллион АҚШ доллари миқдоридagi имтиёзли қарз маблағлари 5 йил муқаддатга ҳудудлар кесимида тақсимланган ҳолда, ҳар бир ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) учун алоҳида очиқ танлов ўтказилиши белгиланган. Танловда республикада фаолият юритувчи ёшлар ва хотин-қизларни ўқитишга ихтисослаштирилган нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз лойиҳалари билан иштирок этишлари мумкин. Бунда ёшлар ва хотин-қизларни бизнес ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни ташкил этиш, ушбу ўқув курсларини муваффақиятли таомиланган тингловчиларга тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйиш мақсадидаги лойиҳалари молиялаштирилишини назарда тутган бўлиши лозим.

Танлов ҳужжатлари тўплами Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги номига «Ўзбекистон почтаси» ёки бошқа почта воситалари орқали ҳамда танлов қатнашчилари томонидан тўғридан-тўғри топширилиши мумкин. Иштирокчиларнинг танлов ҳужжатлари тўплами эълонда кўрсатилган манзил бўйича муҳрланган конвертларда (танловда қатнашиш тўғрисидаги ариза ташқи конверт устига елимланади) қабул қилинади: 100027, Тошкент шаҳри, Қоратощ кўчаси, 1-уй, Банклар ассоциацияси биносининг 11-қавати. ade@mineconomy.uz.

Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатлари тўплами намунасини олиш учун талабгор агентликнинг қуйидаги манзилларига мувожаат қилиши лозим.

Телефонлар: 71-238-69-33, 71-238-69-00 (1-5025), (1-2800). Электрон манзил: ade@mineconomy.uz Кўшимча маълумотлар учун: веб-сайт: www.uzade.uz

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази жамоаси марказнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва маърифат бўлими бошлиғи Фарҳод Ҳайитбоевга отаси Полвон ҲАЙИТБОЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихбор этиди.

9.00 дан 18.00 гача 71-232-10-63, 71-232-11-15. Э-майл: rekلامas@mail.ru reklama@xs.uz

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 30 471 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЁЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ. Газетанинг оқибат берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.